## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:*

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993 йил, N 9, 331-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1. 1-моддадаги **"31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан"** сўзлари **"26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан"** сўзлари билан алмаштирилсин.

2. C c, Ɉ ɉ ҳарфлари мустақил ҳарф белгиси сифатида алифбодан чиқарилсин.

3. Ō ō ҳарфи O' o' шаклида, Ḡ ḡ ҳарфи G' g' шаклида, Ş ş ҳарфи Sh sh шаклида, Ç ç ҳарфи Ch ch шаклида, Ñ ñ ҳарфи Ng ng шаклида, ɋ ҳарф белгиси q шаклида ифодалансин.

4. A a, I i, G g, G' g', Q q, O' o', Z z ҳарфлари ва Ch ch ҳарфлар бирикмасининг ёзма шакли тегишлича Aa, Ii, Gg, Ḡḡ, Qq, Ōō, Zz, Ch ch тарзида ифодалансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 май.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

### «ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги 1993 йил 2 сентябрдаги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 332-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

2-бандидаги «2000 йил» деган сўзлар «2005 йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича Республика давлат комиссияси таркиби лавозимларига кўра қуйидагилардан иборат бўлиши белгилаб қўйилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Комиссия раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири — Комиссия раисининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири — Комиссия раисининг ўринбосари

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари — Комиссия раисининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Таълим ва фан бўлимининг мудири — Комиссия котиби

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг таълим ва фан масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Президенти

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси раиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитасининг раиси

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси

Ўзбекистон «Ёдгорлик» жамиятининг раиси

Республика «Ўзбек тили» жамиятининг раиси

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тилшунослик институтининг директори

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Адабиёт институтининг директори»;

3-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «1993-1994 йиллар» деган сўзлар «1995 йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4- бандининг учинчи хатбошисидаги «1995 йил» деган сўзлар «1996 йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5-бандидаги «1995 йил» деган сўзлар «1996 йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8-бандининг учинчи хатбошисидаги «1993-1995 йиллар» деган сўзлар «1995-1996 йиллар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10-бандидаги «2000 йилнинг» деган сўзлар «2005 йилнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 май.

*ЎЙЛАНГ, МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ!*

## БАЗМ ЭМАС, БАЙРАМ БЎЛСИН

Биз қуйида фикр юритадиган муаммо ҳозир кўпчиликни ўйлатиб қўйди. Сиртдан қараганда, унчалик ваҳимали эмасдек. Лекин масалага чуқурроқ назар ташласак, унинг зарарли таъсири бирма-бир кўз ўнгимизда намоён бўлиб бораверади. Рост-да, шу кунлари ўғли ёки қизи «сўраган» пулни эшитиб айрим ота-онанинг кайфияти ўзгарган. Бермайин деса фарзанди мактабни битиряпти, берайин деса, оиланинг «иқтисоди» кўтармайди. Гап битирувчи ўқувчиларнинг «эсдалик» тадбирлар учун сарфлайдиган маблағлари ҳақида бораётганини англадингиз, шекилли. Келинг, бирга мушоҳада юритайлик, хулоса чиқарайлик, энг қулай жиҳатларини ҳаётга татбиқ этайлик, зеро, бу келажакда ота-оналарга ҳам, жумладан, ўқувчига ҳам асқотсин.

Мактабларда имтиҳонлар тугаш арафасида. Шу кунларда битирувчи синфларнинг, ўқувчилар ота-оналарининг энг кўп ўйлайдиган нарсалари «битирув кечаси»дир, ҳеч бўлмаганда хаёлнинг ярми ўша «ойдин кеча»ни ўтказиш учун лозим бўлган пулни топиш ғамида. Битирув имтиҳонларини топшириш ёки бирор-бир олий ёки бошқа ўқув даргоҳларига кириш учун бўладиган ўйлар орқага чекинган...

Топармон шоввоз ота ўғлининг ҳаётида такрорланмас сана — битирув кечасини ўтказиб олиши, қолаверса, ўзини кўрсатиб қўйиши учун ўғлининг олдига сўраган беш юз ёки минг сўмни ташлайди. Бу гап ота кутгандек бошқа қулоқларга етиб боради, топиши камроқ, фақат маошга яшайдиган бошқа ота фарзандининг сўровига йўқ дейишга ор қилади. «Ахир, унинг фалончидан нимаси кам?» Югуриб-елиб қарз топади, ўғли ёки қизининг қўлига қистиради... Пул топа олмагани эса фарзандини шундай тарбиялаган ўқитувчиларни гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона қарғаб аламдан чиқади. Бироқ ота — барибир ўғлининг «битирув кечаси»га қатнаша олмаганидан, она — эрининг топармон эмаслигидан, фарзанд эса отасининг «қули калта»лигидан ўксийди. Ҳа-ҳа, ўксийди. Чунки уларнинг учаласи ҳам бунинг ўксишга арзимайдиган тадбирлигини тушуниб етмайди. Кўнглида армон пайдо бўлади. Аслида-чи? «Битирув кечаси» мангу армон бўла оладими? Арзийдими? Хўп бу кечада нималар содир бўлади? Нималар ҳақида гап боради? Нимаси армон экан унинг?

Кўпчиликдан — турли вилоят собиқ битирувчиларидан маълумот олдик. Умумий тушунчалар шундан иборат бўлдики, «кеча» мактабдан йироқда (аттестат қўлга теккан, мактабнинг уларга алоқаси йўқ-да), бирор шароити бор хонадонда ўтказилади. Тўкис дастурхон тузалади, албатта коньяк, ароқ, қизлар учун эса шампан виноси олинади. Синф раҳбари таклиф қилинади, унга ҳадя олинади, табиийки, ҳадянинг қимматбаҳо бўлиши битирувчиларнинг обрўсини оширади. Ўқитувчи эркак киши бўлса, ўз «учирма»лари билан қадаҳ тўқиштиради. Қизлар ҳам уялган бўлиб, бу такрорланмас тунда оз-оздан шампан виноси ичишиб (ахир, бу кун такрорланмайди-да), «қизиб» олишади. Овқат тановули тугагач, ўйин-кулгу бошланади, «Ойдин рақс» («Белый танец») ҳам бўлади. Синфдошлар бирга тонг оттиришади.

Ширакайф битирувчилар эсон-омон, беғалва шу тунни ўтказиб олишса бас, уларнинг ёдида қоладигани ўқитувчи билан ичиш, унга берилган ҳадя, эрталабгача бўлган ўйин-кулги, «танца»... Сиз улардан ким энг гўзал унутилмас сўз айтди, деб сўрай кўрманг, кулгига қоласиз. Биз бундай «кеча»лардан қоладиган хотира хулосаларига эътибор бердик, холос. Унинг турли кўринишлари мавжуд, масалан, айрим жойларда ўйин-кулгининг ярми қартабозликка кўчади ёки яна бир жойда «видик» кўрилади. Натижавий хулоса эса ўша-ўша. «Бизнинг «кеча»да фалон шиша ароқ олинди, у олдик, бу олдик» дея гапирилади, яъни «кеча»нинг обрўйи шу билан белгиланади. Ўйлайсизки, йигитча «кеча»нинг обрўйини ўз қаричи билан ўлчайдими? Бу ўлчов унинг отаси, маҳалла-кўйнинг маънавий аҳволидан келиб чиққан ўлчовдир.

Бу ҳақда ёзишдан аввал кўпчиликка маслаҳат солдик ва табиийки, турли таклифлар тушди: «Ёзиш керак», «Ёзган билан ҳеч нарса ўзгармайди», «Қўлингдан нима келади?» ва ҳоказо. Айниқса, бир дўстимизнинг «Бозор муносабатлари буларнинг ҳар бирини жой-жойига қўйиб чиқади, яъни бу тадбирлар ўз-ўзидан йўқолиб кетади», деган сўзлари ушбуни ёзмаслигимиз кераклигини уқтиргандек бўларди. Бироқ мозийга назар ташлаб, бу исрофгарчиликлар, тўй-ҳашамлар ҳеч бир жамиятда, тузумда йўқолмаётганини, иқтисодий танқислик пайти ҳам зўраки ҳашамлар тўхтамаётганини кўриб, ўқиб ҳайратда қолдик. Бунда қарзга ботиб бўлсада, бадабанг тўй ёки маъракa ўтказиш расмга айланган. Ҳали Ўзбекистон чор Россияси қўл остида эзилаётганида жадид боболаримиз тўй-маъракаларда сарфланадиган маблағлар эвазига болаларни четда ўқитиб, юрт равнақи учун қайғурадиган билимли инсонлар қилиб яратиш лозимлиги масаласини кўтариб чиққан эдилар. Хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудийда шундай сўзлар бор: «...тўй ва маъракаларга сарф қилинадурғон оқча ила Кавказ, Қрим, Оренбург ва Қозонға усули таълим ўрганмоқ учун бола юбормоқ керакдур...». Болаларни тайёрлаш учун эса пул керак: «...бул сана учун ҳар бирига 400 сўм оқча керакдур. Оқчалик оталар албатта тўй ва маъракага қизғонмаганларидек, болани ўқитмоққа ҳам қизғонмаслари керак» («Ойина» журнали, 1913 йил, 7-сон).

Шукрки, бугун барча ўқув даргоҳларимиз мавжуд, бироқ маблағ масаласи ҳар доим муаммо бўлиб қолаверади. Кўпчилик ҳолатда бу бизнинг исрофгарчилигимиз оқибатида келиб чиқади. Юқоридаги мавзуимизга қайтадиган бўлсак, мактабни битирган фарзанднинг ўқиб-ўрганиши учун маблағни «битирув кечаси», унда кийиш учун махсус тиктирилган либос, қимматбаҳо ҳадяга кетадиган пул ва албатта, тадбир ўтказилгунча бўлган фурсатни «унутилмас кеча» ҳақида ўйлаш ўрнига ўқишга сарф қилсак оиламиз учун ҳам, юрт учун ҳам фойдали бўлади. Унда сарфланадиган пулларга фарзандга китоб сотиб олиб бериш, шунингдек, билимдон ўқитувчиларни ёллаб имтиҳонга тайёргарлик кўриш афзал эмасми? Бу сўзларни осмондан олиб ёзаётганимиз йўқ, «Битирув кечаси» ҳақида таассуротларни сўраб-суриштириб юрганимизда шундай талабалар ҳам учрадики, саволимизни эшитиб, ҳижолатомуз «қатнашганим йўқ» деди. «Ие, нега?» дедик ҳайратда қолгандек. «Дадам ўқитувчилик қиладилар, ўқишга кирсанг тўй қилиб бераман», дедилар. «Ўқишга кирибсиз, тўй қилиб бердиларми?» — сўраймиз атай. «Энди билсам ўқишга киришимнинг ўзи тўй билан баробар экан. Кўпчилик синфдошларим қайтиб кетишгач, буни англаб етдим. Имтиҳонга тайёргарликни дадамнинг маслаҳатлари билан мактабнинг битирув имтиҳонларини топшириш вақтиданоқ бошлагандим. Кейин репетитор топиб бердилар. Кўп ўқидим, ўқишга киришим ҳам осон бўлди». Тўғриси, шундай ота-оналар борлигидан кўнглимиз равшан тортди. Бироқ кўпчилик ота-оналар фарзандининг «битирув кечаси»га пул топиш учун касбдошидан, қўни-қўшнисидан қарз сўраб юрибди. Тополмагани ўғлини тарбиялаган ўқитувчини «яхши» гаплари билан «сийлаб» юрибди. Фарзандининг тарбиясига ўқитувчидан ҳам аввал ўзи айбдор эканлигини, маҳалла-кўй сабабчи эканлигини англаб етмайди. Ким ҳам айбни бўйнига олишни хоҳлайди, дейсиз.

«Битирув кечаси»нинг нафақат иқтисодий, балки маънавий зарари ҳам мавжудки, уни кўпчилигимиз «одатий ҳол» сифатида қабул қиладиган бўлиб қолганмиз. Бу вояга етган ширакайф йигитчаларнинг «кеча» учун тиктирилган либосдаги, улғайиб қолган қизларга бошқачароқ кўз билан қарашларию, алалоқибат белларидан қучиб «танца» тушишлари, уларнинг янги ҳаётга қай даражадаги ҳаё билан кириб боришларини белгилаб беради. Худо кўрсатмасин, «шайтон суви» аралашган жойда ҳали ўзини тутишни билмайдиган ёшлар не воқеалар содир қиладилар. Исломда зино деган ибора ишлатилади. У тўрт хил бўлиб, биринчиси қулоқ зиносидир. Бунда ширакайф йигитларнинг турли қочириқларини эшитиб, ерга қараб ўтирган қизча аввал қизаради, қулоғи кўниккач эса, секин бошини кўтариб даврага кўз югуртиради, яъни иккинчиси — кўз зиноси амалга оша бошлайди. Бегона қўл белини қучиб «танца» тушаётганда эса учинчи — қўл зиносига киришилади. Уламоларнинг таъкидлашларича, қўл зиносидан кейин энг оғири оёқ зиносига ўтиш шарт бўлмай қоларкан, яъни аввалги уч зино пайтида ҳаё пардаси йиртилиб улгураркан. Боболарнинг бу ўгитида катта маъно бор. Бу гапларни муштарийларимиз зиёлилар бўлганлиги учун ҳам ёзмоқдамиз. Демак, «кеча»нинг маънавий зарарлари ҳам йўқ эмас экан.

Кашандани бирдан сигаретдан ажрата олмаганингиздек, «кеча»ни ҳам бирдан бекор қилиш қийин. Қолаверса, «бекор қилиш» одамга доим тескари таъсир қилган. Шу боис, бунинг зарарлари тушунтирилиб, уни халқ қабул қилгунча бундай тадбирларни мактабда ўқувчи ва ўқитувчилар даврасида ўтказиш, яхши каломлар сўзлаш, шеърлар айтиш, базм эмас,байрам қилиш айни муддао бўлар эди.

Кетадиган маблағларни отаонага юкламасдан мактаб ёки ҳомий ташкилот зиммасига олса, айни муддао бўлади. Шундай жойлар ҳам бор. Мактаб пулни қаердан олади, дерсиз. Яқинда Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг кўчма ҳайъат йиғилишидан бир далил маълум бўлдики, бизда ҳар бир мактаб ўз ҳисоб рақамига эга. Мактабга ҳомий ташкилотлардан тушган, ўқувчиларнинг ўзи ишлаб топган маблағлар шу ҳисоб рақамида сақлана бошлабди. Ўша пуллардан бир оз харж қилиб ўқитувчиларга ҳадя олинса ҳам, тадбирни эсда қоладиган қилиб ўтказса ҳам бўлади. Балки яна бошқа қулай йўллари ҳам бордир.

Ушбу мақоламиз муҳокама учун ўртага ташланди. Ундан ким қандай хулоса чиқаради, ким қандай чора кўради, қайси мактабнинг, маҳалланинг тутган йўриғи аълороқ бўлади, буни, албатта, сиз, азиз зиёлиларимиздан келган мактублар орқали биламиз, эътиборга лойиқларини муштарийларга ҳавола қиламиз. Иншоллоҳ, бу ҳаракатимиз яхши ишларга замин яратгусидир.

**Ҳалим САЙИД.**

*Акс садо*

## «ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ»

**Маърифат» 1995 йил, 17 май**

Мен мақолани изтироб ва ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Ҳаммамизга маълумки, олимпиада синовлари олдин мактабда, туманда, вилоятда, кейин республикада ўтказилади. Ўқувчи тинмай ҳаракат қилади, фахрли ўринларни эгаллаш учун интилади. Ўқитувчи эса унга ёрдам беради. Ҳатто қизиқувчан муаллим ўқувчисини туман услубчиларининг маслаҳатларини олишга, билмаганларини сўраб ўрганишга ундайди. Яшаётган вилоятини ҳимоя қилишни ким хоҳламайди. Ўзи учун Ватани учун қайғуриш эмасми бу? Нима сабабдан биз педагоглар — таълим-тарбия усталари, ҳакамлар ҳайъати аъзолари бунга совуққонлик билан қараймиз? Туманларда ўтказилаётган олимпиадалардан ҳам кўп ота-оналар норози бўладилар. Чунки ҳамма юксакликка интилади. Ўқувчи шу чўққига тирговичсиз ҳалол илми билан чиқишини истайман. Хуллас, ушбу мақолада берилган таҳлилий хулоса ва фикрларни қувватлаган ҳолда қуйидаги таклифларни билдираман.

1. Олимпиада ҳақидаги Низомни қайта кўриб чиқиш.

2. Ҳакамлар ҳайъати аъзолигига ҳалол, пок, иймонли, эътиқодли, масъулиятли, кўпчилик инсонлар ҳурматига сазовор кишиларни белгилаш.

3. Тест саволларини тузишда махфийликни ва дастурдан чиқиб кетмасликни таъминлаш.

4. Олимпиада ўтаётган жойга ота-оналарнинг қатнашишларига рухсат этиш.

5. 11-синф ўқувчиларига имтиёзли ҳуқуқлар беришни бекор қилиб, фақат махсус тест синовлари орқали шундай имтиёз беришини зарур, деб ҳисоблайман.

Ҳар қандай ишга қўл урганда, олимпиада ўтказганда, ҳам, олий ўқув юртига қабул қилганда ҳам, ишга қабул қилаётганда ҳам мустақил Ўзбекистонимиз истиқболи учун, ёш авлоднинг камолоти учун, ўқувчиларни адолатга бўлган ишончларини сусайтирмаслигимиз, уларни кўзбўямачиликдан, таъмагирлигу маҳаллийчиликдан, адолатсизлигу ноҳақликлардан асрашимиз зарур.

**Муяссар АҲМАДЖОНОВА,**
**Фарғона вилояти Учкўприк тумани халқ таълими бўлими назоратчи-услубчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.**



*БИЛИМ ЮРТИ 75 ЁШДА*

## САЛОМАТЛИК САБОҒИНИ ЎРГАНАЁТГАНЛАР

Шарафли касб эгалари — шифокор ва ҳамширалар тайёрлашда Йўлдош Охунбобоев номидаги тиббиёт билим юртининг улуши беқиёсдир. Бу билим даргоҳининг ўзига хос тарихи, босиб ўтилган йўли бор. 1918 йили Тошкентда биринчи тиббий ўқув юрти очилди, у ўлка мусулмон мактаби деб аталди. 1920 йили эса бу мактаб тиббиёт билим юртига айлантирилди. Билим юртининг тарихи, ташкил этилиши ва тараққиёти унинг бевосита ташкилотчилари бўлган С. Маҳмудов, С. М. Шварцман, О. Н. Гусарова, Н. Раҳмонов номлари билан боғлиқ. Ўқув масканида фельдшер-лаборант, сан-фельдшер, тиббий ҳамшира, доришунос, тиббий ҳамшира-акушерка, фельдшер-акушер, тиш шифокори, тиш техниги тайёрлаш каби бўлимлар мавжуд. Билим юрти ўтган давр ичида 40 мингдан зиёд тиббий ходим тайёрлади. Бугунги кунда улар турли шаҳар, вилоят ва қишлоқларда ўз мутахассисликлари бўйича меҳнат қилмоқдалар. Билим юртини тугатиб, халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган, ўз малакаси ва билими билан тиббиёт оламида салмоқли мавқега эга таниқли шифокорлар, талайгина профессорлар, шу жумладан Саид Аъзамхўжаев, Башир Магзумов, Радик Капканов, Шабод Хўжаев, Шавкат Назаров, Асолат Қодирова, Раҳмат Убайдуллаевлар билан билим юрти ҳақли равишда фахрланади.

Ҳозир билим юртида Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан, чекка қишлоқларидан келган илмга ташна талабалар таҳсил олишмоқда. Уларнинг ўқиш давомида пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Билим юртининг 2 та ётоқхонасида талабалар яшаши, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун қулайликлар мавжуд. Ошхона, буфет, ювиниш хоналари, телевизор, радиоприёмниклар талабалар хизматида. Ўқув биноси замонавий таълим воситалари билан жиҳозланган. 34 та машғулот ўтказиш хоналари, 19 та лаборатория, компьютер ва лингафон синфлари талабаларнинг касб сирларини пухта эгаллашлари учун хизмат қилаётир.

Билим юртида турли хил олимпиадалар, конкурслар (масалан, «Қувноқлар ва зукколар»), ноанъанавий дарслар, ишбилармонлик ўйинлари, мўъжизалар майдони мунтазам равишда ўтказилиб борилади. Бир қатор факультативлар, жумладан, «Мунозара» клуби, «Биолог», «Меҳр-шафқат», «Меҳригиё», «Шифокор», «Ўзбек тилини ўрганамиз» тўгараклари фаолияти ҳам диққатта сазовордир.

Таълим-тарбия ишларини юздан зиёд ўқитувчи ташкилотчи раҳбар, билим юрти директори Т. Умарова етакчилигида изланувчанлик ва ижодкорлик билан олиб боришмоқда. Ғани Тошхўжаев, Шомурод Юнусов, Аҳад Тошхўжаев, Раиса Нуриддинова, София Медведкова, Марат Муҳиддинов, Таисия Шепилова каби тажрибали педагоглар билим юртининг юқори малакали муаллимларидан ҳисобланишади.

Педагогика кенгаши ўқув-услубий, сиёсий-тарбиявий ишларнинг мувофиқлаштириш маркази ҳисобланади. Ўқитувчилар педагогик ўқишларга, конференцияларга, «давра столи» учрашувларига қатнашиб, касб маҳоратларини мунтазам равишда олиб боришмоқда. Билим юрти Янгиер, Гулистон, Жиззах, Дўстлик, Ғаллаорол тиббиёт билим юртлари билан доимий ҳамкорликда иш олиб бораяпти.

Бугунги кунда билим масканида ўқув жараёнини янада такомиллаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ўрта тиббий мутахассислар тайёрлаш мақсадида ўқитишнинг турли усул ва услубларидан фойдаланилмоқда. Айни чоғда бу ерда билимлар ва фанлар интеграцияси, модулли ўқитиш ва барча фанлар бўйича тестлар тузиш, билимлар назоратида рейтинг усулига ўтиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Бу эса таълимда эртанги кун янгиликларининг замини бўлади, албатта.

**Насиба МУХИБОВА,**
**билим юртининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.**



*Педагогик тест-синовлари*

Манзура УСМОНОВА

## 3. ТЕСТ-СИНОВЛАРИ ВА МАДАНИЯТЛАРАРО ТАФОВУТЛАР

Ўзбекистон таълим тизимига назоратнинг холис усули кириб келиши барча ўқув фанлари бўйича педагогик тест-синовларига эҳтиёж туғдирди ва у таълим жараёнига жорий этилди. Педагогик тест-синовларини ўтказиш дастлабки босқичдаги тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, тест саволларининг аксарият қисми ҳали талабларга жавоб бермайди. Буни тушуниш мумкин. Тажриба етишмаётир. Педагогик тест-синовлари методикасига оид адабиётлар кам. Устига устак тест саволлари тузишнинг ўзи мураккаб жараён. Рост шундай экан, дастлабки пайтларда Америка ёки Туркиядаги тест саволларини таржима қилиб фойдаланса, бўлмайдими? Уларнинг сифати юқори-ку?

Афсуски, бундай имконият чекланган. Чунки тест саволлари ўзи яратилган муҳит маданияти билан чамбарчас боғлиқдир. Етакчи тестшунос олимларнинг фикрича, бирор тестни ҳамма жойда бирдек қўллаб бўлмайди. Гап бу ерда бир халқ маданиятини иккинчи бир халқникидан юксак ёки паст эканлиги ҳақида кетмаяпти, албатта. Гап шундаки, ҳар бир маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Ҳар бир халқ оламни ўз она тили, миллий анъаналари орқали англайди. Оламнинг тилларда акс этган ранг-баранг сийрати англаш фаолияти жараёни учун ягона омил эмас. Тестга асос бўлган ҳар қандай материал турли элат вакиллари томонидан турлича қабул қилинади. Шунинг учун ҳам бир ижтимоий-маданий муҳитга мансуб тестни бошқа муҳитга кўчиришнинг ўзига хос мураккаб томонлари бор. Бир шароитда оқилона туюлган жавоб, иккинчи бир шароитда ножоиз бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам тестшунос олимларнинг маданият таъсиридан ҳоли тест саволлари тузишга бўлган уринишлари ижобий самара бермади. Инсоннинг борлиқ олам билан ҳар бир муносабатида маданият таъсири сезилиб туради. Бинобарин, ҳар қандай хатти-ҳаракат, хулқ-атвор шахс камол топаётган маънавий-маданий муҳит таъсирида экан, «Тест — бу хулқ-атвор ва ахлоқ тажассумидир» (А. Анастази). Яъни, тест-синовларини бажаришга маданият бевосита таъсир қилади.

Миллий ўзига хослик, кўникма, анъана, таъбир жоиз бўлса, «руҳий-гносеологик тўсиқлар»ни яратиши мумкин. Бунга Г.Ортар ўтказган тажрибани мисол қилиб келтириш мумкин. У Ғарбдан ва Шарқдан Исроилга кўчиб келган болаларга оғзи йўқ бош тасвирини кўрсатади. Шарқлик болалар «Бош учун тана етишмаяпти», — дея фикр билдиришади. Бош тасвирини яхлит сурат сифатида кўришга одатланмаган шарқлик болалар бош суратида оғиз тушиб қолганидан кўра тана йўқлигини муҳимроқ камчилик деб ҳисоблашган.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур, тарзи, халқ анъаналари ва урф-одатлари жамият тараққиётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган жамоачилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир. Катталарга ҳурмат, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик, очиқ кўнгиллик, миллатидан қатъи назар одамларга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдардлик ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабат мезонидир. Ўз диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир.

Миллий турмуш тарзимизда ислом дини катта ўрин тутади.

У одамларнинг турмушида, руҳиятида, маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришда, исломга эътиқод қилувчи халқларни биродарлаштиришда намоён бўлади.

Мамлакатимиз ҳудудида яшаётган кишилар ҳаётига қадим тарихимиз ва маданиятимиз, улуғ мутафаккир ва файласуф аждодларимизнинг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссаларининг самарали таъсири ҳам беқиёсдир.

Болаларда кичик ёшданоқ катталарга ҳурмат, меҳнатга муҳаббат туйғусининг шаклланиши ўзбекистонлик оилаларга хос яна бир муҳим хусусият эканлигини олимлар кўп бора таъкидлашган. Болалар катталар олдида одоб доирасидан чиқмайдилар, сўзларини икки қилишмайди. Қариндошларга, ёру биродарларга меҳр-оқибат устивор.

Ёшлар истиқболида оила таъсири кучли. Миллий анъаналарнинг бўш вақтга таъсири ўқувчиларнинг рўзғор юмушларига, ёрдамида, айниқса, яққол намоён бўлади.

Ўзбекларнинг меҳнатсеварлиги, меҳмондўстлиги, уй ва кўчаларни тоза тутишлари, етти ўлчаб бир кесиш, хайриҳоҳлик, серфарзандлик ва болажонлик каби хислатларини ҳам олимлар миллий ўзига хослик сифатида қадрлашади.

Холис тадқиқотлар яна шуни ҳам кўрсатмоқдаки, ёшларимиз аксарият қисмининг янгилик яратишга, кашфиёт қилишга иштиёқлари суст, жадал техник шароитларга секинлик билан мослашадилар, мустақиллик, ташаббускорлик, салбий ҳодисаларга нисбатан муросасизлик, фаол ижитимоий сафарбарлик етишмайди.

Халқимизнинг бундай ва бунга ўхшаш ўзига хос хусусиятлари тестни тушуниш ва қабул қилишга ёндашувда ҳам ўзига хосликни тақозо этади. Айтиб ўтилган сабабларга кўра, таржима қилинган тест янги тест саволлари тузишдан кам куч ва меҳнат талаб қилмайдиган синовдан ўтказилиши лозим. Шунга кўра, халқаро миқёсда синовдан ўтган педагогик тестларни ўзбек тилига таржима қилишнинг фойдали томонларини ҳам инкор этмаган ҳолда асосий эътиборни мамлакатимиздаги барча педагоглар замонавий тест маданиятини чуқур эгаллашлари учун қаратиш керак. Бу — биринчи галда ўзбек педагогик тест-синовлари илмий мактабини яратиш демакдир.

XXI аср мактаби

# ИШ БИЛГАНГА ЭЛ ЭРГАШАР

## ЁХУД ДИРЕКТОР ҚАНДАЙ БЎЛСА, МАКТАБ ҲАМ ШУНДАЙ

Ж. Ғ. ЙЎЛДОШЕВ,

Республика халқ таълими вазири.

Келажаги буюк республикамиз тараққиёт сари ўзи танлаган истиқлол йўлидан дадил ва ишонч билан одимламоқда. Мамлакатимизда қатъият ва сабот билан амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар самараси ҳозирданоқ яққол кўзга ташланиб турибди. Юртимиздаги барқарор тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик шароити мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида халқимиз учун тинч ижодий меҳнат қилиш муҳитини яратиб берди. Ўзгаришлар даврининг табиий мураккабликларига қарамай, мамлакат ва халқнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари изчиллик ва собитқадамлик билан ҳал этиб борилаётир.

Тарихимизда биринчи марта кўппартиявийлик асосидаги демократик сайловлар натижасида шаклланган мустақил Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг энг юқори қонун чиқарувчи идораси — Олий Мажлисининг биринчи тарихий сессияси бўлиб ўтди. Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойилларига бағишланган маърузаси Олий Мажлис биринчи сессиясидаги марказий воқеа бўлди. Дастурий аҳамиятга молик ушбу ҳужжатда мустақиллик йилларида мамлакатимиз босиб ўтган йўл ҳар томонлама чуқур таҳлил этилди. Республика тараққиётининг ўзига хос йўли хусусиятлари қўлга киритилган тажрибага суяниб очиб берилди, унга муайян аниқликлар киритилди, миллий истиқлолимиз истиқболларининг бош тамойиллари ҳамда Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллари идоралари фаолиятларининг устивор йўналишлари атрофлича асослаб кўрсатилди.

Маъруза кенг қамровли, чуқур мазмунли бўлиб, унда олға сурилган ғояларни турмушга татбиқ этиш ва муаммолар ечими узоқ муддатли ишдир. Бироқ шиддаткор давримиз, халқимизнинг туб ижтимоий-иқтисодий манфаатларининг долзарб талаблари, барчамиздан, шу жумладан, халқ таълими ходимларидан мазкур ҳужжатда ифода этилган асосий қоида ва хулосалардан келиб чиқадиган биринчи галдаги вазифаларни тезкорлик билан аниқлаб олиш ва амалга оширишни тақозо этмоқда.

«Юртига, ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир. Ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб-авайлаш ва янада такомиллаштириш, фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак.

Шунга кўра, Ватан тарихи ва маданиятини, жуғрофияси ва иқтисодини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Боғчалардан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимларида мазкур фан ва билимларнинг ўқитилишига муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралмоғи лозим», — дейилади маърузада. Шу билан бирга дастурий ҳужжатда маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш ишида мактабларимиз ўз фаолиятини ниҳоятда секинлик билан қайта қураётгани танқид қилиб ўтилди.

Дарҳақиқат, жаҳон бозоридаги интеграция, илмий-техникавий тараққиёт суръатлари халқ таълимининг барча бўғинлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Бинобарин, бу ҳол тарбия, таълим, сиёсий ва касбий тайёргарлик масалаларини изчиллик билан ҳал этишга бир бутун ёндашишни тақозо этаётир. Зотан, мактаб — ўрта таълим — олий таълим — илмий тадқиқот институтлари шаклидаги илмий-маърифий узвийликни вужудга келтириш йўлидан бориш пайти келди. Шундагина янги технологияда ишлай оладиган, бозор қонуниятларига мос янгича фикрлайдиган мутахассисларни тайёрлашимиз мумкин.

Хўш, бугун бизнинг мактабларимиз, ўрта махсус ва олий мактабларимиз юксак касб маҳоратига эга ҳамда маънавий-руҳий жиҳатдан замонавий соҳаларда самарали ишлайдиган ёшларни тарбиялашга тайёрми? Тўғриси, ҳали унчалик тайёр эмас.

Албатта, мактаб ёш авлодни билимли, ишбилармон, ватанпарвар, меҳнатсевар, юксак ахлоқий фазилатларга эга қилиб тарбиялашга масъул. Лекин мактабга ўз ишининг чинакам фидойилари ва жонкуярлари бўлган билимдон, ташаббускор, изланувчан ўқитувчилар, бошқарув маҳоратини мукаммал эгаллаган ғайратли, зукко, масъулиятни чуқур ҳис этувчи одил раҳбарлар керак. У маърифатли бўлиши зарур. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Маърифатдан йироқ амалдор ҳеч қачон халқ дилини англашга қодир бўлолмайди. Қолаверса, бунга интилмайди ҳам. Маърифатсиз раҳбар ҳамиша ўз теварагида маърифатсиз раҳбарларни йиғиш билан машғул бўлади. Чунки, унинг ягона мақсади ўз амалини мустаҳкамлашдан иборат бўлиб қолади. Шу сабабдан ҳам у ғайратли, фидойи, маърифатли кишиларни ҳокимиятга яқинлаштирмасликка тиришади, уларни бадном қилади, ютуғидан азобланади».

Иш унумдорлиги бошқарув идораларининг сони ва миқдорига қараб эмас, балки улар ишининг самарадорлигига қараб белгиланади. Таъкидлаш лозимки, жамиятимизни ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамлашда, унинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашда муҳим омил ҳамда тараққиётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида таълим ҳам кенг қамровли ислоҳотлар жараёнини бошидан кечирмоқда.

— Мактаб — ҳамиша, ҳар қандай тузум, ҳар қандай жамиятда ҳам халқ ва давлат томонидан эъзозланган муқаддас маскан. У ҳар доим жамиятнинг масъулиятли, оғир, айни пайтда шарафли юкини елкасида тутиб келган. Буюк алломалар унинг жамиятда тутган мавқеини улуғлаб, «Халқ учун нондан сўнг, энг муҳими мактабдир» деб баҳолаганлар. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, мактабнинг муваффақият билан фаолият кўрсатишини асосан унинг ким томонидан қандай қилиб бошқарилиши белгилайди. Шу туфайли ҳам таълим муассасаларига раҳбарликнинг бир қатор жиҳатлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман.

Гарчи, бу ўринда гап асосан мактаб раҳбарлари устида, таълим бошқарувини такомиллаштириш устида бўлса ҳам, бу барча хилдаги ва йўналишдаги ўқув муассасаларига ҳам, шу жумладан, боғчалар, ҳунар-техника билим юртлари, педагогик таълим муассасалари, мактабдан ва синфдан ташқари таълим шохобчалари, таълимни бошқарув муассасаларига раҳбарлик қилаётган кишиларга ҳам тааллуқлидир.

Барчага аёнки, бугун ҳамма нарса — жамият базиси ҳам, уларнинг устқурмалари ҳам тубдан ўзгарди. Жамиятимиз ва унинг муҳим таркибий қисми — таълим ҳам ўзгариб, тобора инсонпарварлик, демократик тамойилларни ўзига мужассамлантирмоқда, ўз-ўзини бошқариш йўлига ўтиб бормоқда.

Шу муносабат билан «Умуман, мактабни бошқариш керакми?» деган савол туғилади. Ҳатто, Ш. А. Амонашвили каби таълим дарғалари ҳам «Бошқарув тушунчаси мактабга хос нарса эмас», деб ҳисоблайди. Жавоб икки хил бўлиши мумкин эмас. Бошқарув мактаб учун керак ва зарур! Фақат бизга бугун маъмурий буйруқбозлик, «юқоридан туриб бошқариш», мактаб ички бошқарувини, унинг бутун ташкилий-педагогик фаолиятини меъёрий бошқариш билан мутлақо янги, кўп қиррали, хилма-хил фаолиятли, қувонч ва шодлик келтирувчи, янги ютуқларга илҳомлантирувчи, ижодий жамоа меҳнатига асосланган соғлом мактаб ўртасида кетаётган муросасиз курашни тез илғайдиган, тараққиётни тан олган, ижодийлик ва ташаббускорликка қанот бахш этувчи, адолат ва ҳақиқатни рўёбга чиқарадиган бошқарув керак!

Мактаб ўта мураккаб, заргар меҳнатининг маҳсули каби нозик ва ноёб тизим. У бошқарувсиз яшаб, ривожлана олмайди. Лекин бошқарув ғоят инсонпарвар, демократик бошқарув тамойилларига асосланмоғи, жамиятдаги янгиланиш, турли ислоҳотларга тез мослашувдек янгича мазмун ва тушунчалар асосига қурилмоғи лозим.

Бошқарув билимдонлик, омилкорлик, ижодкорлик, талабчанлик, айни пайтда меҳрибонлик ва изчиллик билан олиб борилиши зарур. Бугунги бошқарув услуби ноанъанавий муаммоларга энг мақбул ечимлар топиш, дадил ҳаракатлар, ташаббускорлик, айрим пайтда қатъиятлиликка асосланади. Шу билан бирга бошқарув иши шубҳали таваккалчиликка, илмий-услубий асосланмаган фаолиятга таянмай, етти ўлчаб бир кесилган, жиддий синовдан ўтказилган ҳаётий хулосалар асосига қурилиши зарур. Акс ҳолда таълим-тарбиядек ўта нозик жараёндаги ўзбошимчалик жамият учун қимматга тушиши мумкин.

Бу масалани алоҳида таъкидлашимнинг боиси шуки, бугунги кунда бошқарув мазмуни ҳам кескин ўзгарди. Унинг олдида ҳар томонлама ривожланган, ижодий имкониятлари тўла очиб берилган жамият аъзосини тарбиялабгина қолмасдан, шахсни шакллантириш, ўз нуқтаи-назарига, шунингдек, шиддат билан ислоҳ қилинаётган ва ўзгараётган ҳозирги даврда ўз стратегияси ва тактикасига эга бўлган шахсни шакллантиришдек мураккаб вазифа турибди. Зотан, мактаб ҳам, унинг бошқарув бўғини ҳам, ўқитувчи ҳам ўқувчи камолотини рўёбга чиқариш ишига хизмат қилиши керак.

Бугун бошқарув объекти ҳам ўзгарди. Мустақилликнинг ўтган тўрт йилига яқин даврида жамиятимиз озод, эркин бўлиб қолди, демократлашди. Бинобарин, муаллимлар, ўқувчилар, ота-оналар ҳам ўзгарди. Мактаб фаолиятига қўйилган талаблар қатъийлашди, таълим мазмунини таъминлаш ҳаётий заруриятга айланди. Мактаб эса, очиқ эътироф этиш керакки, ўсиб бораётган давр талабидан орқада қолди.

Мактаб ишини янгича талаб, янгича шароит асосида қайта қуриш — ўта долзарб масала. Бошқача қилиб айтганда, янгиланган мактаб модулини яратиш, уни ўқув режалари ва дастурларида акс эттириш ҳамда синаб кўриш зарурияти пайдо бўлди.

Хўш, мактаб бу вазифаларни уддалай оладими? Унга мактаб жамоасининг кучи етадими? Унинг ўрнига ўзимизга таниш, синалган йўлдан бориш маъқулроқ эмасмикин? Очиқ гап, янги мактаб қандай бўлиши ҳақида бизда аниқ андозалар йўқ. Ҳозирча унинг асосий йўналишлари, стратегияси, низомлари, шунингдек, ҳар бир мактабнинг ўз йўли, имконияти, шароити, анъаналаригина мавжуд.

Мен аниқ ишонаман ва умид қиламанки, олдимизда турган бу муаммоларни ташаббускор, изланувчан ва билимдон мактаб директори ҳамда у бошқараётган меҳнатсевар, ижодкор педагогик жамоа ҳал қилиб беради. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, агар мактаб директори янгилик сари интилувчан, жамоани ўз ғоялари атрофига жипслаштира оладиган бўлса, шахсий ибрат кўрсата олса, бошқаларга ўрнак бўла олса, ўша мактабда ижодий муҳит, ишда муваффақиятлар қўлга киритилаётир.

Жиззах вилояти Зомин туманидаги 1-мактаб (директори Ҳасан Йўлдошев), Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 1-мактаб (директори Голубьева Э. Н.), Қўқон шаҳридаги 29-мактаб (директори Н. Холматов), Андижон вилояти Избоскан туманидаги 20-мактаб (директори М. Матазимова), Наманган шаҳридаги 31-мактаб (директори Б. Муқимов), Тошкент шаҳридаги 41-мактаб (директори Н. Аҳмедова), Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги 13-мактаб (директори Ш. Зайниддинов), Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 24-мактаб (директори М. Маматов), Бухоро шаҳридаги 8-мактаб (директори Н. Д. Добролюбова), Навоий шаҳридаги 11-мактаб (директори Ф. М. Муқимов), Самарқанд шаҳрининг Боғишамол туманидаги 9-мактаб (директори А. Ш. Ибодов), Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги 39-мактаб (директори Ш. Эгамов) каби билим масканларида ўз фарзандларини ўқитиш ота-оналар учун орзуга айланган.

Мактабнинг муваффақиятли фаолиятини таъминлашда директор бош фигурадир. У жамоани қай йўсинда, қайси томонга, қандай мақсад билан бошласа, мактабда иш мазмуни ҳам шундай бўлади. Педагогикамизнинг мумтоз намояндаси А. Авлоний ёзганидек, «Алҳосил, мактаб, тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир». Демакки, мактабни, таълимни саодатли қилиш ҳам, ҳалокатли қилиш ҳам мактаб жамоаси ва унинг йўлбошчисига боғлиқ.

Мактаб раҳбарлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида, хизмат сафарларида, турли анжуман ва учрашувларда мактаб директорлари билан мулоқотларим чоғида уларнинг раҳбарлик услуби, ўз вазифаси ҳақида тасаввури, масъулият ҳисси, замон билан ҳамнафаслиги, ишбилармонлиги, долзарб вазифаларни англаши, табиийки, олиб бораётган ишлари ва режаларига синчковлик билан назар ташлайман. Дарҳақиқат, беш миллионга яқин келажагимиз эгалари бўлган ўғил-қизларимизнинг таълим-тарбиясини таъминлашдаги энг марказий бўғин мактабларга кимлар раҳбарлик қилмоқдалар? Улар буюк иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар жараёни кетаётган шиддатли ва жўшқин шароитда ўз вазифалари, бурчлари ҳамда масъулиятларини тўғри англайдиларми? Уларда ҳозирги замон таълим муассасасига раҳбарлик қила олиш даражасида назарий, услубий, ташкилий билим ва қобилият етарлими? Ижодий, изланувчан, ташаббускор педагогик жамоани шакллантиришни уддалай оладиларми? Уларда виждон амри билан иш тутиш, инсонпарварлик, фидокорлик, ҳалоллик, адолатлилик, соф демократлик каби асл инсоний хислатлар шаклланганми? Шу ва шунга ўхшаш кўплаб саволлар мени ўйлантиради.

Директорлар билан мулоқотларим чоғида берилган жавобларнинг аксариятида «боқимандачилик» руҳининг мавжудлиги, бизга нохуш мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик кайфиятидан халос бўла олинмаганлик, сансоларлик, юқоридан буйруқ кутиш, турли йўриқнома, меъёрий ҳужжатларга ижодий ёндашмасдан уларга ёпишиб олиш ҳолатларининг яшовчанлигини ҳис қиламан.

Ташвишлантирадиган ҳолатлардан яна бири, айрим мактаб директорларининг қонунга хилоф ишлари баён қилинган шикоят хатларининг узилмаётганлигидир. Ҳар йили мактаб раҳбарларининг нотўғри хатти-ҳаракатлари акс эттирилган шикоят хатлари турли раҳбарлик идораларига, вазирликка, газета ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг таҳририятларига келиб тушади. 1994 йилда ҳам уларнинг умумий сони 107 тага етди. Ўз арзномаларидан қониқмаган 17 шикоятчи эса такроран ёзди. Бу хатларнинг муаллифлари директорларнинг қўполлиги, адолатсизлиги, манфаатпарастлиги, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, қонунни менсимаслик, маиший бузуқлик, амалпарастлик, молия интизомини бузиш, ўқув-тарбия ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйиш каби нуқсонларни фош қиладилар. Афсуски, текшириш ўтказилганда, кўпгина ҳолларда хатларда келтирилган далиллар тасдиқланмоқда.

Юқоридагиларда баён қилинганлардан ҳам маълумки, ҳали раҳбар педагогик кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш ва тарбиялаш ишига талабчанликни ошириш, уларда ўзига ишониб топширилган ишга чуқур масъулият ҳиссини шакллантириш бўйича олдимизда кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турибди.

Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш жоизки, раҳбарлик масъулиятига қўйилган талабнинг моҳияти асрлар оша ўзгармаган. Бундан минг йил илгари Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома»сида «Амалдор бўлиш роҳат-фароғат эмас, меҳнат ва машаққатдир», деб ёзиб қолдирган. Бобомиз Амир Темур эса мансабдор шахсларнинг риёкорлиги, мансабини суиистеъмол қилиши, адолатсизлиги ва ёлғончилиги ҳамда, энг муҳими, ўз сўзининг устидан чиқмаслигини қаттиқ қоралаган, беаёв жазолаган.

Ғиёсиддин Жамшид Ал-Кошийнинг гувоҳлик беришича, Муҳаммад Тарағай Улуғбек мадраса бош мударрисларини тайинлашда уларни шахсан ўзи қаттиқ имтиҳон қилган, давлат ишлари билан ўта банд бўлишига қарамай, мударрисларнинг дарсларини, уларнинг илмий изланишларини мунтазам таҳлил қилиб, муҳокама этиб борган. Дарсдан ташқари илмий-ижодий фаолият билан машғул бўлмаган мударрисларни ишдан четлаштирган.

Раҳбар масъулиятига бизнинг давримизда ҳам фавқулодда муҳим аҳамият берилмоқда. Айниқса, Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида раҳбарлик ишининг ижодийлиги, ташаббускорлиги, омилкорлиги энг долзарб масалага айланди. Зотан, бугунга келиб мактабга раҳбарликнинг ҳам шакл ва мазмуни ўзгарди. Раҳбарнинг ишбилармонлик, омилкорлик, мураккаб вазиятлардан чиқишига йўл топа билиш, иқтисод ва тежамкорликни тўғри йўлга қўйиш, жамоани ортидан эргаштира олиш каби фаолият тамойилларига кўпроқ диққат-эътибор қаратилмоқда. Ҳаётнинг ўзи ҳам раҳбарларда шундай қобилиятнинг етишмаслиги кўнгилсиз оқибатларга олиб келишини кун сайин, соат сайин кўрсатиб турибди.

Ҳозир мамлакатимизда юзлаб мактаблар тадбиркорлик, ишбилармонлик билан иш юритиб, ўзларини ўзлари уддалайдиган бўлиб қолганлар. Улар ҳатто мактабни, ўқув жиҳозларини таъмирлабгина қолмай, айни пайтда аълочи ўқувчиларга стипендиялар жорий қилишиб, илғор ўқитувчиларни моддий рағбатлантирмоқдалар.

Мактаб бозор иқтисодиёти шароитида маълум миқдорда ўз-ўзини молиявий қопласа, бунинг нимаси ёмон? Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида фойдали ва унумли меҳнатга ўргатилса, 9-синфни битирганлар бирор зарур ҳунар эгаси бўлса, у ҳаётда тезда ўз ўрнини топиб олади. Бунинг, айниқса, ҳозирги кунда аҳамияти катта. Маълумки, «Таълим тўғрисида»ги Қонунга асосан, 10-синфларга ўқувчилар синов орқали ўтказилаётир. Шу боис агар ўқувчи юқори синфда ўз ўқишини давом эттира олмаса, кичик корхоналарда, фермер хўжаликларида ўзи эгаллаган оддий касбда иш фаолиятини бошлаши мумкин бўлади. Умуман, унумли фойдали меҳнат ўқувчини бирор касбни эгаллашга — ихтисосга йўлланма беради. Ўқиш билан ижтимоий меҳнатни бирга қўшиб олиб боришнинг моҳияти эса қадим-қадимдан маълум. Ҳатто диний мактабларда ҳам бу амалиёт кенг қўлланган. Бундан чўчимаслик керак. Табиийки, бу ижтимоий меҳнат самарасидан ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам моддий манфаатдор бўлишлари керак.

Бундай фаолиятга айрим мисоллар келтириш мумкин.

Ҳозир 2214 та мактаб ихтиёрида 3541 гектар экин майдони, 518 гектар боғ бор. Бу майдонлардан 1994 йилда 2500 тонна пахта, 630 тонна ғалла, 282 тонна дон, 25190 тонна полиз маҳсулотлари ва мева, 50 тонна ерёнғоқ, 516,5 тонна шоли ҳосили олинди. Мактаблар ихтиёрида минглаб қора мол, қўй ва қўзилар мавжуд. Бу чорва учун 5 минг тоннага яқин ем-хашак жамғарилди. Таълим жамоалари 19970 минг сўмлик саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқардилар, аҳолига 35342 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатишди. Бу иш, айниқса, Андижон, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ўқув муассасаларида яхши натижалар бермоқда.

Андижон, Наманган, Тошкент вилоятлари мактабларида мевали дарахт ва терак ниҳоллари, иссиқхоналарда турли кўчатлар етказиб, аҳолига арзон нархларда сотишни яхши йўлга қўйдилар. «Излаган имкон қидиради, изламаган баҳона» деганларидек, бу саховатли жамоаларга имкон излай оладиган, замон руҳини теран англаган уддабурон раҳбарлар етакчилик қилишмоқда. Албатта, мен санаб ўтган ишлар дарёдан томчи холос. Бундай ишларни кенг қулоч ёздириб, кўзланган мақсадни рўёбга чиқариш учун улкан имкониятлар ҳам бор. Уларни рўёбга чиқариш учун журъат, ҳиммат, ҳафсала керак. Боқимандалик, қўл қовуштириб ўтириш, берилган маблағ ва ашёлар билан чегараланиб қолиш мактабни ожиз ва нотавон қилиб қўяди.

Юқорида баён қилинган фикрлардан «таълимнинг давлат томонидан таъминланиши чегараланади» деган хулосани чиқармаслик керак. Қонунда кўрсатилганидек, давлат бюджети молиявий таъминотда асосий манба бўлиб қолаверади.

Мен хизмат сафари билан АҚШ ва Японияда бўлганимда, мактабларда кечасию кундузи, дам олиш кунлари ҳам, таътил кунлари ҳам ҳаёт қайнашининг гувоҳи бўлдим. Қўшимча машғулотлар уюштириш, репетиторлик хизмати кўрсатиш, катталар таълими, компьютер техникасини ўрганиш курслари, спорт иншоотларини ижарага бериш — буларнинг барчаси мактабларга қўшимча даромад келтирмоқда. Ҳатто Японияда мактаб жамоалари ва ўқувчилар таътил кунларида қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда ҳам фаол қатнашаётганларини кузатдим.

Агар мактаб директори ўйлаб иш кўрадиган, изланувчан, тадбиркор бўлса, мактабдаги кўп иқтисодий муаммолар бирин-кетин ижобий ҳал этилади. Бунга Республикамиз мактаблари ҳаётидан ҳам аниқ мисоллар бор.

Бу ўринда, аввало, иқтисод қилиш, тежамкорлик, асраб-авайлаш ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Бизда таъмирлашга муҳтож бўлмаган, яхши ҳолатда сақланаётган юзлаб мактаблар, синф хоналари мавжуд. Мен ишонаманки, шундай мактабларга тежамкор, ораста, талабчан директорлар раҳбарлик қилишади. Улар давлат бюджетининг чексиз эмаслигини яхши англайдилар, битта парта, дераза ойнасининг синишини фавқулодда ҳодиса, деб ҳисоблайдилар, давлат ва халқ мулкини кўз қорачиғидек асраб-авайлашни биладилар.

Бебош уйда тартиб бўлмайди, деганларидек, берилган жиҳозлар фойдаланиш муддатининг ярми ўтмасданоқ уни барбод қилиб, янгисини талаб қиладиган, ўз айбларини «сифатсиз» ишланган жиҳозларга тўнкайдиган раҳбарлар ҳам топилади.

Ҳозир мактабларда 1 млн. 300 мингтага яқин темир асосли парталар мавжуд. Улардан 280 мингтаси муддати етмай таъмирталаб бўлиб қолган. Шундан 133 мингтаси таъмирланди, 5552 таси ҳисобдан чиқарилди. Қолган 150 мингтадан ортиғи ҳисобдан чиқариш муддатини кутиб бекор ётибди. Уларни таъмирлаш, фойдаланишга яроқли қилиш учун мактаб директорларида хўжалик юритиш донолиги етишмай турибди.

Киши яшаб турган уйини бир неча йилдагина бир марта таъмирлайди. Мактабларни эса — ҳар йили. Бундан хулоса чиқариш керак!

Мана, икки йилдирки, мактабларнинг бошланғич синфларида «Иқтисодий билимлар алифбоси», 5—11-синфларда эса «Иқтисодий билим асослари» фанлари ўтилмоқда. Бу фанлар мақсади ўқувчиларни бозор иқтисодиёти қонуниятларини биладиган, унда фаол иштирок эта оладиган, тадбиркор ва омилкор этиб тарбиялашга қаратилгандир. Шунингдек, бу фанлар ўқувчиларнинг мактаб мулкига, демакки, давлат ва халқ мулкига тежамкорлик муносабатини шакллантириш, уларда дарсликлар, ўқув қуроллари, таълимнинг техникавий воситаларидан асраб-авайлаб фойдаланиш, газ, электр қуввати, ичимлик сувини иқтисод қилиш одатларини қарор топтириши зарур. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мазкур фанлар, айрим мактаб раҳбарлари фикри ва фаолиятича, мактаб директорлари ихтиёрига дарс соатлари етишмаган ўқитувчилар ставкасини тўлдириб бериш учун жорий қилинмаган. Таълимни бошқарув идоралари ходимлари «Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитиш кимларнинг қўлида, улар бу фан ўқитилиши самарадорлигини таъминлай оладиларми?» деган саволларга мактаб раҳбарларидан қатъий жавоб талаб қилишлари керак.

Таълим мазмунини таъминлаш мактаб директори ҳамда педагогик жамоа фаолиятининг бош йўналишидир.

Мактабда ўқув-тарбия ишларини ҳозирги замон талаблари асосида йўлга қўйиш, мақсадни рўёбга чиқариш йўлида соғлом, ишчан, аҳил, изланувчан ва ташаббускор педагоглар оиласини барпо этиш, таълим ихтирочилигига кенг имкониятлар очиш, жамоани ташаббус атрофига жипслаштириш, бу йўлда ота-оналар, жамоат ташкилотлари билан фаол муносабатларни йўлга қўйиш, мактаб учун зарур бўлган моддий базани барпо этиш, умуман, мактаблардаги барча эзгу ишларнинг бош меъмори, ташкилотчиси мактаб директоридир. Албатта, у бу вазифаларни бекаму кўст бажаришда ўз ўринбосарлари, педагогик жамоага таянади.

Лекин мактабдаги кўп нарса бош фигуранинг кимлигига, билими, ташкилотчилик қобилияти, инсоний хислатларига боғлиқ. Мактаб директорининг бошқа раҳбарлардан ажралиб турадиган фарқи шуки, у мактабда жамоадаги ўқитувчилар каби ўқитувчи, педагогик жамоанинг аълочи аъзоси, спорт ибораси билан атайдиган бўлсак, у жамоани илҳомлантирувчи, пировард натижада жамоага ғалаба келтирувчи «ўйновчи тренер»дир. У ҳам раҳбар, айни пайтда иқтидорли, намунали ижодкор ижрочидир. Шу боис директор дарс ўтиш маҳоратида ҳам, инсоний фазилатда ҳам, таълим мазмунини очиб беришда ҳам доимо ўрнак бўлиши керак. Унинг шиори «Мен каби бажар, мендан яхшироқ бажар», бўлмоғи зарур.

Таълим мазмунини таъминлашда ижодкор мактаб директорининг фаолияти уч шартли босқичга бўлинади:

1. Таълим стратегиясини белгилаш. Бунга директор ва унинг ҳамкасблари янги ғоялар ва ташаббусларни излаб топиши ва режалаштириши, жамоага уни таништириш жараёни киради;

2. Технологик жараён. Ишлаб чиқилган назарий ҳолдаги педагогик ғояларни амалга ошириш йўл-йўриқларини жамоа билан белгилаб чиқиш;

3. Шахсий муносабатлар ўрнатиш. Бунга илғор педагогик ғояларни амалга оширишга киришиш, бу ғояларни амалга оширишда педагогик жамоа, ота-оналар, ўқувчилар ва бошқалар билан муносабат ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш жараёни киради.

Албатта ҳамма раҳбар ҳам кенг кўламли ғояларни рўёбга чиқаришда ижодкор бўлавермайди. Шу боис у бошқа ижодкорларни ўз паноҳига олиши зарур. Умуман, мактабда бутун ўқув-тарбия жараёнининг такомиллашуви фақат ижодкорликкагина боғлиқ эмас. Директор амалда бўлган, лекин натижаси тараққиётга олиб келадиган ибратли иш услубини танлаб, унинг ижросида ўз атрофига бутун жамоани бирлаштира олиши зарур.

Директор лоақал қуйидагиларни амалга ошира олиши керак:

— муаммоларни кимдир келиб ечиб бермайди, «ўз кучимиз ва имкониятимиз билан ҳал этамиз», «ҳеч ким билиб туғилмайди», «ҳаракатда баракат бўлади», «интилганга толе ёр» каби тушунчаларга барчани ишонтириши, жамоа аъзоларида ўз куч ва имкониятига таяниш ҳиссини тарбиялаши;

— уларни дадилликка чорлаши, тор назарий-методик қобиқдан олиб чиқиши;

— бошқаларнинг илғор тажрибаларини ўзлаштириш ва татбиқ этиши, энг асосийси, жамоада ишчан муҳитни барпо этиши ва ҳоказо.

Таълим мазмунини таъминлашда директор янгилик ва ибратли андозаларни уч асосий манбадан олиши мумкин.

БИРИНЧИСИ: илғор педагогик тажрибаларни қунт билан ўрганиш, уларни ўз шароит ва имкониятларига мослаштириш, аввал бир неча синфларда синаб кўриш, синов натижаларини изчиллик билан таҳлил этиб бориш, ўтказилган тажриба таълим мазмунини оширишда самаралар бера бошлаганидан кейингина уни оммалаштиришни йўлга қўйиш керак. Албатта, бу қийин жараён, лекин зарур. Мен барча синфларда турли йўналишларда тажрибалар ва янгиликларни синаб кўришга сафарбар этилган мактабларни кўп учратганман. Аслида «илғор тажриба мактаблари» деган тушунча ҳам ана шундай мактабларга хосдир.

ИККИНЧИСИ: чет эл педагогикасининг илғор жиҳатларини ўзлаштириш йўлидир. Шуни қайд этиш керакки, кейинги йилларда турли газета ва журналларда чет эл педагогикасига доир кўплаб маълумотлар берилаётир. Ҳозирги кунда болаларни мактабга тайёрлаш бўйича Япония тажрибалари, болаларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, эркин фикрлашга ўргатиш бўйича АҚШ тажрибаси, болалар билимини назорат қилиш ва унга талабчанликни ошириш бўйича Франция тажрибаси ва бошқалар мактабларимиз фаолиятига сингдирилмоқда.

УЧИНЧИСИ: халқ педагогикасидаги илғор, тараққийпарвар тажрибаларни қунт билан ижодий ўрганиш йўлидир. Шу нарсани назардан қочирмаслик лозимки, мактаб шароити учун янгилик ва керакли бўлса, ихтиро қилинган велосипедни ҳам қайта кашф қилиш зарур.

Ниҳоят, директор ўз иш соатларини оқилона тақсимлашни билиши керак. Турли иккинчи даражали ишларни, тадбирларни кўпайтириб, ўз иш соатини ҳаддан ташқари зиёдлаштириб юборса, бош вазифа — таълим самарадорлигини оширишга оз вақт қолиши ўз-ўзидан равшан.

Директорнинг таълим мазмунини оширишга сарфлаган вақти умумий иш фаолиятининг қарийб ярмини ташкил этмоғи лозим. Кўпинча шундай бўлади: директор ўринбосарлари ўзларига юклатилган вазифаларни пухта бажармайдилар. Уларнинг «чала ишлари»ни бажариш ҳам директор зиммасига тушади. Директор ўз ўринбосарларининг масъул этилган бурчларини пухта ва аниқ бажаришлари устидан қатъий назорат ва талабчанлик ўрнатсагина, асосий фаолияти — ўқув-тарбия ишларига раҳбарлик қилиш учун кўпроқ вақт қолади.

Бу ўринда директор шахси, инсоний фазилатлари жамоа етакчиси сифатида унга қўйилган талаблар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Шу нарсани алоҳида қайд этмоқчиманки, директор барча ишда ўзи намуна бўлмаса, ўзи куйиб-ёнмаса, бошқаларни ёндира олмайди. Хизмат мавқеини пеш қилиш, эришилган ютуқлардан талтайиш вақтинчаликдир. Айрим мактаб директорлари турли-туман режалар тузиб, қоғозда пухталикни таъминлаб, педагогик таҳлил, олдиндан кўриш (прогноз қилиш), келажак мактабини моделлаштириш, тажриба-тадқиқотлар ўтказиш каби асосий масалалар устида ишлашни унутиб қўймоқдалар. Баъзи мактаб директорлари эса мактабнинг мавжудлиги билан унинг таълим-тарбия тизими сифатида ривожланиши ўртасидаги тафовутни сезмайдилар, ўқув-тарбия ишларини ташкил этишнинг муқобиллиги билан бошқарув хулосаларининг ижодийлиги ўртасидаги узвий боғлиқликни кўрмайдилар.

Мактаб директори ҳар томонлама билимдон, кўп қиррали фаолият соҳиби, ўқув муассасаси ҳаётида тез-тез учраб турадиган мураккаб вазиятлардан тез ва оқилона чиқиш йўлларини пухта эгаллаган бўлиши лозим.

В. А. Сухомлинскийнинг ўқув муассасасига раҳбарлик тўғрисидаги бир фикри диққатга сазовордир. «Мактаб жамоасига, — деб ёзади у, — буйруқлар, талаблар, мутлоқ тобеликни йўлга қўйиш билан раҳбарлик қилиш пировард натижада ҳалокатга маҳкумлигидан ташқари жамоа аъзолари ўртасида лаганбардорлик ва иккиюзламачиликка кенг йўл очади, ғийбат, чақимчилик, алдов гуллаб-яшнайди».

Мактаб директорларини аттестация қилиш ва танлашда юқоридагиларни ҳисобга олмаслик, юзакичиликка йўл қўйиш бутун бир мактаб ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси фаолиятига сезиларли салбий таъсир қилиши мумкин.

Мактаб директорининг маданиятлилиги, муомала ва нотиқлик санъатини мукаммал эгаллаганлиги, жаҳон ва ватан адабиёти, санъати, меъморчилигини теран билиши ва англаши ҳам талаб қиларли даражадаги фазилатлардандир.

Биз юқорида мактаб директори ва унга қўйилган умумий талаблар ҳақида фикр юритдик. Энди уларни танлаш ва тарбиялаш ҳақида баъзи мулоҳазаларимиз бор.

Баъзан иқтидорсиз мактаб директори фаолиятини яхшилаш мақсадида малака ошириш курсларига юборадилар. Тўғри, кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш керак. Айниқса, жамият ҳозиргидек шиддат билан ўзгараётган замонда бу ниҳоятда зарур. Лекин бўлимсизни бўлдириб бўлмайди. Малака ошириш курслари ташаббускорликни ошириш, таълимдаги янги йўналишлар билан таништириш, раҳбарликни такомиллаштириш, таъбир жоиз бўлса, уларни «чархлаш», сўна бошлаган оловни қайта алангa олдиришга хизмат қилади. Бироқ «қозонда бўлса, чўмичга чиқади» деганларидек, малака ошириш институти ёмон директорни яхши қилиб бермайди.

Қатор туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларида мактаб директорлари иш фаолиятига маълум эркинликлар бериш, бошқарувни демократлаштириш, ўзини-ўзи бошқаришни йўлга қўйиш мақсадида директорлар кенгашлари ташкил этилган. Уларнинг иш фаолиятлари яхши натижалар бермоқда.

Нафақада бўлиб директорлик қилаётган педагоглар ҳақида ҳам икки оғиз сўз: агар бундай директорларда ҳозирги замон раҳбарларига хос инсонийлик, маданият, ташаббускорлик, изланувчанлик бўлса, шу билан бирга улар жамоада амалга оширилаётган ислоҳотларга хайрихоҳ бўлиб, янгиланишда фаол иштирок эта олса, шу асосда жамоа ва ота-оналар ҳурматига сазовор бўлса, ундай кишиларнинг ишлагани маъқул. Чунки яхши мактаб директорларини танлаш ва тайинлаш тобора мураккаблашиб бормоқда. Акс ҳолда уларни «дам олишлари учун» имкон бериш керак.

Директорлик лавозими ҳам бошқа хўжалик раҳбарлари каби ғоят муҳим, масъулиятли вазифа. Шу туфайли халқ таълими бошқармалари, бўлимлари ҳокимликлар билан ҳамкорликда бу ишга ўта масъулият ва талабчанлик билан ёндошмоқлари зарур. Мактаб раҳбари лавозими тасодифий, бошқа ташкилот ва муассасаларда ишлаб халқ ишончини оқлай олмай, кўпчиликдан ажралиб қолган, «фақат амалдор бўлиб ишлашни хоҳлайдиган» кишиларнинг ўрни эмас. Мактаб директорлиги лавозими айрим кимсаларни иш билан таъминлаш манбаи ҳам эмас. Директор мактабда давлат вакили. У мактабда биринчи шахс, касбий малака, методик маҳорат, адолатлиликда шахсий намуна эгасидир. Шу боис директорлик лавозими ҳалол-пок, диёнатли, иймон-эътиқодли, фидойи инсоннинг иш ўрнидир. Шундай инсонларгагина ўқитувчилар эргашадилар ва мактабда ижодкор, меҳнаткаш жамоа қарор топади.

*ТАҲРИРИЯТДАН. Мақолада XXI аср бўсағасидаги мактаб бошқарувининг бош ижрочиси — директорнинг бурч ва вазифалари, ислоҳотдаги ўрни, унинг маънавий қиёфаси масалалари атрофлича ёритилади. Мақола ҳар бир мактаб директори учун ўз фаолиятини қиёслаб олишга имкон яратувчи бамисоли бир кўзгу. Ўйлаймизки, бу кўзгуда ўзини қиёслаган ҳар бир мактаб раҳбари, педагогик жамоа аъзоларида ўзига хос фикр-мулоҳазалар ҳам туғилади ва у янги асрдаги ўзбек мактаби раҳбарининг фаолияти чизгиларини янада ёрқинлаштиришга хизмат қилади. Педагогларимизнинг ана шу ҳақдаги фикрлари, умид қиламизки, XXI аср мактаби қиёфасини шакллантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.*

# ЁШЛИК, ДЎСТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

## «ТАЛАБАЛАР БАҲОРИ» II ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд ўзининг бетакрор меъморий обидалари билан жаҳон аҳлини неча минг йиллардан буён ўзига ром қилиб келмоқда. Бу шаҳар тарихи яна Амир Темур, Улуғбек, Хўжа Аҳрор, Алишер Навоий каби улуғ инсонлар ҳаёти ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, Самарқанд дунё миқёсидаги кўплаб анжуманларнинг гувоҳи бўлган.

Яқинда эса, аниқроғи, 26-28 май кунлари, ана шу азим шаҳарда ўзига хос байрам — Ўзбекистон ёшларининг «Талабалар баҳори» II фестивали бўлиб ўтди. Ёшлар фестивалида Ўзбекистондаги 24 та олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган 257 минг нафардан ортиқ талабаларнинг 400 дан кўпроқ вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Марказий Кенгаши ҳамкорликда ташкил этган бу тадбирнинг юксак савияда ўтишига Самарқанд вилоят ва шаҳар ҳокимлиги яқиндан ёрдам берди.

Ёшлар фестивалини ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад мамлакатимизда талабалик ҳаракатини янада ривожлантириш, унга ташкилотчилик руҳини сингдириш, ёшларимизни Президентимиз олиб бораётган сиёсат атрофида бирлаштириш, уларнинг ижодий имкониятларини кенгроқ намоён қилишларига ёрдамлашиш, талаба-ёшларимизни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда илм-фан сирларини пухта эгаллашларига кўмаклашишдан иборатдир. «Талабалар баҳори» II фестивалининг шиори этиб, бежизга «Илм, тараққиёт, келажак!» сўзлари танланмаган. Зеро, ёшлик илмга ташналикдир. Илм эса тараққиёт омили, тараққиёт эса келажак пойдеворидир.

26 май куни кечқурун кўҳна Регистон майдонида «Талабалар баҳори» II фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг биринчи котиби Алишер Тешабоев фестивални очиқ деб эълон қилганида майдонни гулдурос қарсаклар тутиб кетди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларни қизғин қутлади. Самарқанд вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмонов талаба-ёшларни ўзига хос байрамлари ҳамда Самарқанд заминига ташрифи муносабати билан самимий табриклади...

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида республика олий ўқув юрти талабаларининг илмий-назарий конференцияси, Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят театрида дорилфунун ва институтлараро ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви якунловчи босқичи, Самарқанд вилоят «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида қизлар «Иқбол» кўрик-танлови ҳам эҳтирос ва баҳс-мунозараларга бой бўлди. Умуман, «Талабалар баҳори» II фестивали ёшлик, дўстлик ва гўзалликнинг катта байрами сифатида унутилмас таассурот қолдирди.

**Жўрақул ИСКАНДАРОВ, «Маърифат» мухбири.**

*Дил изҳори*

# ШИРИН СЎЗИ ШИФОЛИ

Ҳурматли Бош муҳаррир!

Мен Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 127-мактабда ўн йилдан бери кутубхоначи бўлиб ишлайман. Албатта, бу касбнинг ўзига яраша заҳмати, шарафи бор. Заҳмати шундаки, 2000 нафардан ошиқ ўғил-қизга хизмат кўрсатаман. Уларнинг феъл-авторига қараб муомала қиламан...

Очиғи, «Маърифат» газетасига муштарийман. Уни тахламлаб, йиғиб бораман. Илғор мактаблардаги янгиликларни, фидойи ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини «Кўринг, ўрнак олинг!» номли ойнаванд тахтачага илиб қўяман. Шу ўринда газета кейинги пайтларда янада ўқишли бўлиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтишим жоиздир.

Айни кунда юқори синф ўқувчилари учун тест саволлари бериб борилаётир. Буни фақат ўқишга кирувчилар учун, деб тушунмаслик лозим. Чунки мазкур синовлар ота-оналарга, муаллимларга фойдадан холи бўлмай, балки улар учун ўзига хос имтиҳон ҳамдир.

Аслини олганда, ҳаётнинг ўзи катта имтиҳон экан. Бу сўзга алоҳида урғу беришимнинг сабаблари бор. Демократик чиманкени, инсон қаётида кутилмаган вокеа-ҳодисалар бўлиб тураркан. Ўтган йили беҳосдан автомобиль ҳалокатига учраб, оғир аҳволга тушиб қолдим. Умров суягим синганига қарамай, қаттиқ изтиробга ҳам тушдим. Етмиш беш ёшли онам, эрим (иккинчи гуруҳ ногирони) қаровга муҳтожлик сезишарди. Шу кезлари фарзандларим Равиль, Марат, Зулфиялар кечалари навбатчилик қилишса, кундузлари муаллимларим Ольга Головченко, Валентина Шаговалар менга ҳамдард бўлдилар.

Яккасарой тумани халқ таълими бўлими мудири Ўткир Мирзажонов, унинг ўринбосари Умар Зиёев, мактабимиз директори Фазлиддин Жамолов ва бошқа муаллимлар ҳар куни аҳволимдан хабар олиб туришди. Уларнинг кўргизган меҳрибончиликлари, ширин сўзлари, мадади мени оёққа турғазди, десам хато қилмаган бўламан.

Мана, яна сафдаман. «Маърифат»ни тахламлаяпман. Уйга толаман. Балки, улар шундай меҳридарё бўлганлиги, одамлар, муҳими, болалар кўнглига йўл топа билганликлари боис педагоглик қилишаётгандирлар, раҳбарлик лавозимида ишлашаётгандирлар. Ким билсин?!. Хуллас, Сиз ва Сиз бошчилигингиздаги нашр-мураббийлар газетаси орқали менинг оғир кунларимда елкадош бўлган барча инсонларга ўз миннатдорчилигимни билдиргим келди: Илоё умрларидан барака топишсин!

**Римма РАҲМАТУЛЛИНА.**



# ГУЛ БАЗМИДА БЎЛГАНМИСИЗ?

*Тасаввур қилинг: турфа гуллар гуркираб ўсиб ётган гулзордасиз. Қаердадир булбул хониш қилади. Бу — унинг гулга дил рози, муҳаббат қўшиғи. Шунда дилингиз равшан тортиб, бутун ғам-ташвишларингиз сиздан йироқлашади. Секингина энгашиб, ифор таратаётган гулларни ҳидлай бошлайсиз... Ана шунга айтадилар «Гул — гўзаллик рамзи» деб. Гўзаллик эса инсонларга ошно, мудом дўст.*

*Хонада — тувакларда ўсувчи гулларни ким севмайди? Уй ҳавосини тозалаш хусусиятига эга хонаки гуллар ҳам киши кайфиятини соз этгувсидир.*

*Наманганга борганмисиз, гул базмида бўлганмисиз?*

*Гуллар шаҳри Наманганда Машраб боғига кириб қолган киши бир-биридан нафис хонаки кактус, алоэ, бегония, хитой атиргули, чиннигул, гунафшаларни кўриб ҳайратга тушади.*

*Гул байрами бу шаҳарда ҳар йили ўтказилади. Ижобий тадбир. Гўзалликка муҳаббат уйғотиш дегани бу. Бунда гулсеварлар — шаҳардаги бир талай умумтаълим мактаблари, ҳунар билим юртлари, болалар боғчалари жон-диллари билан қатнашишди. Нодим номли 50-мактаб гулчиларининг тувакларлардаги ранго-ранг гулларини ўзгача кашфиёт, деса бўларди. Хонада озиқланувчи бу гуллар шунчалик қадру қиммат учун ўз эгаларига миннатдорона боқиб, таъзим айлаб тургандек туюлади...*

*Шаҳардаги 1-ўрта мактаб гулсеварларининг гулдонларга солган дасталари олдидан ҳеч ким бефарқ ўтолмасди. Гулдасталар шунчалик чиройли ва шунчалик дид билан ясалган эдики, беихтиёр тикилиб қоласиз. 21-ҳунар билим юрти гулсеварлари иши ҳам байрамда «манаман» деб юз кўрсатди.*

*Жаҳон узра гуллар, гулзорлар кўпаяверсин! Зеро, бу нафосатга, эзгуликка интилмоқлик белгисидир.*

**Т. МАҲКАМОВ суратлари.**





*БИРИ КАМ ДУНЁ*

### «МЕҲНАТ»НИНГ ЛУҒАВИЙ МАЪНОСИ

Меҳнат инсонни улуғлайди, дейишади. Лекин, ўлдириши ҳам мумкин. Ўтган йили Италиядаги 22 миллионлик ишчи армиясидан 1128 таси айнан иш жойида ҳалок бўлган. Бутун дунё бўйича бу рақамнинг салмоғи янада катта. Ҳарҳолда биз «меҳнат» сўзининг ҳақиқий маъносига юз тутяпмиз.

### ҚУТУРГАН ТАНК

Калифорниянинг Сан-Диего шаҳрида яшовчи 35 яшар Шон Нельсоннинг омади ҳеч чопмади. Аввалари танкчи бўлиб хизмат қилган Шон кейинги пайтларда, умуман, ишсиз қолди. Оқибатда хотини уни тарк этди. Уйидан ажралди. Бу зарбаларга чидолмаган Шон Нельсон миллий гвардия базасига кириб, 60 тонналик танкка ўтирди-да, стартёрни босди...

Шундан кейин бўлган воқеаларни шаҳар аҳолиси анчагача унутмаса керак. Базадан шитоб билан чиққан танкнинг шаҳардаги сайри шу билан тугадики, алал-оқибат бир неча автомашиналар, устунлар, телефон будкалари мажақланди. Ҳарҳолда тартиб посбонлари танкни тўхтатишга муваффақ бўлишди.

### АЖАЛИ ЕТМАГАН ЭКАН

Пермлик жонидан тўйиб кетган киши икки марта ўз умрига якун ясамоқчи бўлиб уриниб кўрди. Биринчисида «Москвич»нинг, иккинчисида «Жигули»нинг тагига ўзини ташлади. Афсуски, иккала уриниш ҳам «фойда» бермади, яъни енгил машина ҳайдовчилари ҳушёрлик қилишди. Охири трамвайдан «нажот» излаган эди, лекин бунда ҳам омади кулиб боқмади. Ҳарҳолда, пешонанинг ёзуғидан ажралиб бўлмас экан.

### «БАҚЛАЖОН»ДАН САҚЛАНИНГ

Оренбург вилоятида яшовчи нафақахўр кампир дала ҳовлисидан улкан «бақлажон» топиб олди. Хайриятки, «топилдиқни» ҳали тановул қилишга киришмасдан сир очилиб қолди. Маълум бўлишича, кампирнинг кўзига «бақлажон» бўлиб кўринган нарса қачонлардир самолётдан қулаб, портламай қолган бомба экан. Зарарсизлантирувчи гуруҳ томонидан «бақлажон»нинг «полизи» қидирилмоқда.

### КАБУТАРЛАР НАРКОМАФИЯГА ҚАРШИ

Алоқа тармоқлари энди ривожланаётган пайтлар кабутарлар нечоғли муҳим рол тутганлиги тарихдан маълум. Ҳатто ҳозир ҳам «тинчлик қушлари» хат-хабар ташишда ўзларининг беминнат хизматларини аяётгани йўқ. Янада таажжубланарли ҳодиса шуки, Колумбияда кабутарлар... полиция хизматини ўтаяпти. Бўйнига автомат тарзда ишлайдиган митти фотокамера осилган янги «полициячи»лар наркомафияга қарашли ҳудудларни суратга «муҳр»лаб қайтмоқда.

# ПСИХОЛОГИК СИНОВГА ЭҲТИЁЖ

Инсоннинг руҳий дунёсини қайта қуришда психология — руҳшунослик фанига нисбатан эҳтиёж кучаймоқдаки, бунда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида психологик тестлардан фойдаланиш зарурати туғилди. Жаҳонга юз тутаётган республикамизнинг равнақи учун жисмоний бақувват, руҳан тетик, билимли, дунёқараши кенг миллий ишбошиларни етиштиришда биз психологлар ҳам ўз ҳиссамизни қўшишимиз муҳимлигини назарда тутиб, тажрибаларимизни ўсмирлардан бошладик.

Болаликдан катталикка ўтиш жараёнларининг кескин ўзгариши билан ақлий фаолиятда ҳам бурилишлар сезилади. Мактаб таълимининг таъсири остида ўз-ўзини англаш учун характерли бўлган мустақил фикрлаш тараққий эта бошлайди. Ўсмир ўз шахсий фикрига, дунёқарашига, бирор масала юзасидан ўз мулоҳазасига эга бўлишга ҳаракат қилади. Ўқувчиларни ақлан ривожлантириш учун ўқитувчи умумлаштиришни, таққослаш, тўғри таъриф ва таҳлилларни ўргатиш лозим. Бу ўқитувчидан юксак чидам, чуқур билим ва тажрибани талаб қилади: чунки боланинг келажакда қандай инсон бўлиши ўсмирлик даврига боғлиқдир.

Шуларни назарда тутиб, пойтахтдаги С. Раҳимов тумани халқ таълими бўлимига қарашли 196-мактабда ўсмирларнинг интеллектуал фаолиятини махсус тестлар ёрдамида ўрганиб чиққанимизда анчайин ижобий натижаларга эришдик.

Мингдан ортиқ ўқувчига таълим бераётган 104 кишидан иборат катта жамоа раҳбари Муҳаббат Икромованинг ўз ишига талабчанлиги, бир сўзлиги ва ташаббускорлиги мактабда соғлом муҳитнинг яратилишига асос бўлади десак, янглишмаймиз.

Шунингдек, директор ўринбосари Фарида опа Саидованинг ўз ишига ижодий ёндашуви туфайли ўқув ишлари намунали йўлга қўйилган.

Тажрибали педагоглардан Марғуба опа Низомиддинова, Лутфия опа Нишонова, ёш мутахассислардан Элмира Мавзудова, Элмира Набиева, Ойша Абдуллаеваларнинг педагогик маҳоратини алоҳида таъкидласа арзийди.

**Тошпўлат ЖЎРАЕВ, ТошДУ аспиранти.**

*Мактаб ўқувчилари III спартакиадаси*

### СТОЛ ТЕННИСИ

Чуст шаҳрида беш кун давом этган қизғин мусобақалар натижасида ўсмирлар ўртасида Тошкент шаҳри командаси спартакиада чемпиони бўлди. Фарғона ва Самарқанд вилояти спортчилари 2 — 3-ўринларни эгаллашди. Қизлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда ҳам пойтахт теннисчилари ғолибликни қўлга киритишди. Фарғона ва Тошкент вилоятлари вакиллари совриндор бўлишди.

### КУРАШ

Навоий шаҳрида курашнинг бухороча усули бўйича, Андижон шаҳрида фарғонача усули бўйича беллашувлар бўлиб ўтди.

Навоий вилояти спортчилари бухороча кураш усули ғолиби бўлишди. Хоразм ва Қашқадарё вакиллари 2 — 3-ўринларни эгалладилар. Фарғонача курашда Тошкент вилояти ёш полвонлари биринчиликни эгаллашди. Наманган ва Фарғона вилоятлари спортчилари совриндорлар қаторидан ўрин олишди.

### СУЗИШ

Пойтахтимизнинг Марказий ҳарбий спорт клуби бассейнларида сузишнинг 16 хил масофасида команда ва шахсий биринчилик учун тўрт кун мобайнида қизғин курашлар давом этди.

Сузиш мусобақаларида 2810 очко тўплаган Тошкент шаҳри командаси чемпионликни қўлга киритди. Иккинчи ўринни эгаллаган Навоий вилояти командаси 1946 очко жамғарди. Андижонлик спортчилар эса 1910 очко билан учинчи ўринни олишди.

### БАСКЕТБОЛ

Баскетбол бўйича қизлар командалари Самарқанд шаҳрида, ўсмирлар эса Бухоро шаҳрида 8 кун мобайнида ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Қизлар баҳсида Самарқанд вилояти баскетболчиларига тенг келадигани бўлмади. Пойтахтлик баскетболчилар — иккинчи, Тошкент вилояти спортчилари учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Ўсмирлар ўртасида эса Тошкент шаҳри командаси чемпион бўлди. Бухоролик баскетболчилар ва навоийликларга совринли ўринлар насиб этди.

**Мухбиримиз.**


**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат лицейи 1995-96 ўқув йили учун республика мактабларининг 8-синфини битирган энг истеъдодли ва ижодкор ўқувчиларини 9-синфга қуйидаги йўналишлардаги бўлимларда ўқиш учун қабул эълон қилади:**

*1. Ўзбек тили ва адабиёти.*

*2. Тарих.*

*3. Санъат бўлими (халқ амалий санъати, тасвирий санъат).*

*4. Ўзбек ва инглиз тили.*

*Қабул имтиҳонлари 15—17 август кунлари лицей биносида ўтказилади.*

*Барча йўналишда ўқувчиларга инглиз ва шарқ халқлари тиллари (араб тили) чуқур ўргатилади. Лицейда барча мутахассислик фанларни бўйича дарсларни малакали мутахассис педагоглар ҳамда олийгоҳларнинг тажрибали доцентлари, фан номзодлари ва докторлари олиб борадилар.*

*Ўқишга қабул қилинган талабалар бепул ётоқхона, 4 маҳал овқат ва кийим бош билан тўла таъминланадилар.*

*Лицейда ўқиш жараёни замонавий техника билан жиҳозланган ўқув хоналарида илғор усулларда олиб борилади. Ижодкор ўқувчиларнинг маҳоратини ошириш мақсадида тажрибали тарбиячилар бошчилигида турли -туман қизиқарли тадбирлар, таниқли фан ва маданият намояндалари билан учрашувлар, ўқувчиларнинг ижодий кўргазмалари доимо ўтказилиб турилади. Ўқувчилар билими ҳар ойда компьютер ёрдамида тест синовидан ўтказилади. Лицейни битирган иқтидорли ўқувчилар учун репетитор ёллашга асло ҳожат қолмайди. Иқтидорли ўқувчиларни қабул қилиш тест синовлари ва ихтисос фанлари бўйича суҳбат асосида ўтказилади.*

*Республика ва вилоят фан олимпиадасининг шу йилги қатнашчилари имтиҳонсиз қабул қилинадилар.*

*Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:*

*1. Ота-онасининг директор номига ёзган аризаси.*

*2. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма.*

*3. Тиббиёт варақаси (форма 26, Ф-63).*

*4. 1—8-синфлар табели.*

*5. 3х4 катталикдаги 6 та фотосурат.*

*МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700135. Тошкент, Чилонзор, метронинг «Чилонзор» бекати «Ц» квартал. Телефонлар: 76-59-50, 76-59-00.*


Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, фан ва халқ таълими ходимлари Тошкент шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси, Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлими 75-мактаб директори Рихситилла Соатовга онаси

Марҳамат СОАТОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, тарих факультети жамоаси жаҳон халқлари энг янги тарихи кафедрасининг доценти Лафасов Мойли Фозиловичга отаси

Фозил бобо ЛАФАСОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**«МАЪРИФАТ»**

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Қурбонбой Матқурбонов.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0257. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6